О.Р. Идрисовнинг «Россиянинг жиноят процессида суд хатоларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича кассация инстанциясининг ваколатлари» (Томск, 2012 йил), А.Д.Назаровнинг «Следственные и судебные ошибки и уголовно-процессуальный механизм их устранения: концептуальные основы» (Санкт-Петербург, 2017 йил)¹ мавзусидаги диссертациялари шулар жумласидандир.

Илмий ишларни ўрганиш шуни кўрсатдики, муаммоларнинг жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида жиноят процессида суд хатоларини аниқлаш ва тўғрилаш, юқори турувчи инстанция судларининг суд қарорларини қайта кўриб чиқишга доир фаолиятини ташкил этиш бўйича концептуал таҳлил амалга оширилмаган ва бу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши, шунингдек «Жиноят суд ишларини юритишда судлов фаолияти самарадорлигини таъминлаш механизми» (2015-2017) А-2-106 лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади суд хатоларини бартараф этиш институтларини ва жиноят-процессуал йўллари такомиллаштиришга ҳамда бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтининг ижтимоий жиҳатдан шартланганлигини ўрганиш;

суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартларини таснифлашни амалга ошириш;

суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шакллари процессуал жиҳатдан тартибга солишни тадқиқ этиш;

суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўлларига доир ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилин амалга ошириш, шу жумладан апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иш юритиш ҳамда янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайта тиклашнинг моҳияти, тартибини ва ўзига хос хусусиятларини суд хатоларини бартараф этиш усуллари сифатида тадқиқ этиш;

англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги, романо-герман мамлакатларининг ҳуқуқ тизимидаги, шунингдек МДХнинг айрим мамлакатлари жиноят процессидаги суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари ўрганиш;

жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни асослаш;

¹ Мазкур олимлар илмий ишларининг тўлиқ рўйхати диссертацияда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шикоят ва протест бериш тартибини такомиллаштиришга доир жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, шикаят қилиш ва протест келтириш субъектларининг процессуал мақомини ривожлантириш, юқори турувчи инстанция судларида ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг ваколатлари чегараларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишлари бўйича суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари аналитикаси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларидан, шунингдек суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш бўйича суд амалиётидан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Кўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий англашнинг қуйидаги умумилмий ва махсус усуллари: тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, контент-таҳлил, мантиқий-юримдик усулларидан фойдаланилган. Бу усулларнинг жами муайян даражада диссертациявий тадқиқот натижаларининг тўғрилиги ва асослилигини таъминлаш имкониятини берди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори турувчи инстанция судларининг ролини ва маъсулиятини кучайтириш мақсадида ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўриб чиқиш учун қайтариш институтини бекор қилиш зарурлиги асослаб берилган;

апелляция ва кассация инстанцияси судларига оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш ёхуд жазони кучайтириш ваколатини ана шу асослар бўйича жабрланувчи, унинг вакили томонидан шикаят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина бериш кераклиги асосланган;

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш, шу жумладан суд қарорларини қайта кўриб чиқишга бўлган ҳуқуқни кафолатлаш механизмларини янада такомиллаштириш жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири эканлиги асослаб берилди;

иш бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз равишда чўзиб юборишни бартараф этиш ва апелляция инстанцияси судининг ролини ошириш мақсадида апелляция инстанция судига айблов ҳукмини чиқариш ваколатини бериш кераклиги асосланган;

кассация суди инстанцияси ваколатларини қонунчиликда тартибга солинишини такомиллаштириш ва кассация инстанцияси судига янги ҳукмни чиқариш ваколатини бериш зарурлиги асослаб берилган;

суд муҳокамаси иштирокчиларига апелляция ва кассация шикаятини қақариб олиш тартиби суд томонидан тушунтириш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, ушбу қонун лойиҳаси жиноят ишлари бўйича суд ҳукмлари,

ажримлари ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ҳамда адолатлилигини текшириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган;

ЖПКда апелляция ва кассация тартибида иш юритиш тартибини белгилаш чоғидаги умумий шартларни алоҳида-алоҳида тартибга солувчи нормаларни мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилди;

апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ишни кўриш асослари ва чегарасини дифференциалаш орқали инстанциялар кетма-кетлигини (кассация тартибида иш юритиш фақат апелляция тартибида иш юритилганидан сўнг мумкин) шартлигини белгиланган ҳолда назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш зарурияти асослаб берилди;

ҳар бир иштирокчининг суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест келтиришга бўлган ҳуқуқлари доирасини аниқ белгилаш, шунингдек суд қарорларини қайта кўриб чиқишга доир иш юритиш предметини аниқлаштириш зарурати асослаб берилди;

кассация шикояти, протести тақдим этилаётган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, уларни қайта тузиш муддатини аниқ кўрсатган ҳолда қайтариш зарурлиги асосланган;

манتيкий кетма-кетликка риоя қилиш ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайта тиклаш институтининг мустақил босқичлигидан келиб чиқиб, бу иш юритиш турини ЖПКнинг алоҳида бобига ажратиш зарурияти асослаб берилди;

суд қарорлари устидан берилган шикоятлар ва протестларни кўриб чиқиш чоғида судларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек суд қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича иш юритиш предметини аниқлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари миллий қонунчилик нормаларини, ривожланган давлатларнинг тажрибасини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилишга асосланади, бундан ташқари хулосалар статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш шаклидаги социологик тадқиқотлар ёрдамида амалий жиҳатдан асослаб берилган, бунда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Хулосалар, таклифлар ва тавсиялар синовдан ўтган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шакллантирилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклифлар ва тавсиялар жинойт-процессуал ҳуқуқи фанини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Илмий тадқиқотнинг назарий жиҳатлари юқори турувчи суд инстанцияларининг жинойт процессида суд хатоларини бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўриб чиқишга доир фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича янги илмий изланишлар олиб бориш учун асос бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсия ва таклифлардан амалдаги жинойт-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, шунингдек

жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноят судлов ишини юритишдаги далиллар назарияси каби фанлар бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Илмий ишнинг натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўриб чиқиш учун қайтариш институтини бекор қилиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485 ва 495-моддаларида ўз аксини топди, ўзгартишлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сонли Қонуни билан киритилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмитанинг 2018 йил 28 августдаги 06/1-05/140-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф юқори турувчи инстанция судларининг роли ва маъсулиятини кучайтиришга хизмат қилди;

апелляция ва кассация инстанцияси судларига оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ёхуд жазони кучайтириш ваколатини ана шу асослар бўйича жабрланувчи, унинг вакили томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина бериш кераклиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 494, 497¹³ ва 506¹-моддаларида ўз аксини топди, ўзгартишлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сонли Қонуни билан киритилди (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 18 сентябрдаги 08/УМ-526-18-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф иш бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз равишда чўзишни бартараф этиш ва суд қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқи кафолатларини кучайтиришга хизмат қилди;

Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари сифатида жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари механизмларини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят процессуал қонун ҳужжатлари тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли Қарорининг 1-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил департаментининг 2019 йил 25 ноябрдаги маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 25 ноябрдаги 11-88-19-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳасига юқори турувчи инстанция судларида суд қарорларини қайта кўриб чиқишга бўлган ҳуқуқни руёбга чиқариш кафолатларини кучайтиришга қаратилган нормаларни киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга хизмат қилди;

апелляция инстанцияси судига айблов ҳукмини чиқариш ваколатини беришга доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 490 ва 497¹³-моддаларининг янги таҳририда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 18 сентябрдаги 08/УМ-527-18-сонли маълумотномаси).

Мазкур таклиф иш бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз равишда чўзиб юборишни бартараф этишга ва апелляция инстанцияси судининг ролини оширишга хизмат қилди;

кассация инстанция судининг ваколатларини қонунчиликда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш ва кассация инстанция судига янги ҳукм чиқариш ваколатини бериш зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ–463-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 490-моддасининг янги таҳририда ва янги 506¹-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 18 сентябрдаги 08/УМ–527-18-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф кассация инстанцияси суди ваколатлари ЖПКнинг алоҳида моддасида мустаҳкамлаш, иш бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз равишда чўзишни бартараф этиш ҳамда кассация инстанцияси судини ролини кучайтиришга хизмат қилди;

апелляция ва кассация шикоятларини чақириб олиш тартибини суд муҳокамаси иштирокчиларига суд томонидан тушунтириш зарурлиги тўғрисидаги таклиф, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2018 йил 24 августдаги «Судлар томонидан ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги Қарорнинг 10-бандида ўз амалий ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 18 сентябрдаги 08/УМ-526-18-сонли хати). Мазкур таклиф жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишни амалга оширишнинг самарали механизмини яратишга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияда, хусусан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш, шу жумладан 6 та монография (4 таси ҳаммуаллифликда), 26 та илмий мақола (4 таси хориж нашрларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 250 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси,

натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтининг суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари сифатидаги назарий-ҳуқуқий асослари» деб номланган биринчи бобида юқори турувчи суд инстанцияларида суд қарорларини қайта кўриб чиқишга доир иш юритишнинг назарий асослари ёритилган. Унда суд қарорларининг қонунийлигини, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтининг ижтимоий зарурияти таҳлил қилинади, шунингдек суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари таснифи баён этилиб, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шакллари процессуал жиҳатдан тартибга солишга доир масалалар шарҳлаб берилган.

Мазкур бобда диссертант Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш шароитларида қонунийликка ва фуқароларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этилиши алоҳида аҳамият касб этишга эътибор қаратган. Бу жиноят процессига ҳам тааллуқли бўлиб, жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак (ЖПК, 2-моддасининг иккинчи қисми).

Муаллиф жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилиши билан ҳам тавсифланадиган жиноят-процессуал фаолиятнинг ўзига хослиги эътиборга олинган ҳолда, қонунда қатор процессуал қафолатлар, шу жумладан процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш принципи ҳам назарда тутилишини таъкидлайди. Мазкур принцип ҳар кимнинг давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқини белгиловчи суд ҳимоясига бўлган конституциявий принцип мазмунининг таркибий қисми ҳисобланиб, давлат органларининг ҳаракатлари ва жиноят иши бўйича иш юритишни олиб бораётган мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш эркинлигининг қафолатидир.

Тадқиқотда мазкур принцип жиноят судлов ишини юритишда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, жиноят процессида жиноят-процессуал фаолиятнинг қонунийлигига риоя этилмаслиги хавфи мавжудлиги ва бу ўз навбатида суд қарорларининг адолатсизлигига олиб келиши мумкинлиги қайд этилади. Суд қарорларининг адолатсизлиги асосида суд хатоси ётади. Суд хатоларини аниқлашга ва тадқиқ этишга қаратилган қатор илмий ишлар ҳам шундан далолат беради (П.Н.Ткачев, К.Петерс, М.И.Авдеев, В.Н.Кудрявцев ва бошқалар).

Муаллифнинг фикрича, «хатоларнинг» ҳуқуқий табиати жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти мавжуд бўлиши заруриятини тақозо этади. Апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишнинг мантиқан бевосита жиноят судлов ишини

юритишнинг умумий вазифаларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалари мазкур институтнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Диссертант мазкур институтнинг моҳиятини очиб берар экан, ЖПКда белгиланган мақсад ва вазифалар кетма-кет келадиган босқичлардан иборат бўлган бутун жинойт судлов ишини юритиш учун умумий эканлигига эътибор қаратди. Муаллифнинг фикрича, жинойт судлов ишини юритиш бўйича мақсад ва вазифалар устуворлигини унинг босқичларига қараб фарқлаш керак. Тадқиқотда юқори турувчи суд инстанцияларининг фаолияти қонунийликни мустақамлашга, жинойтларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини жинойт ишлари бўйича иш юритишнинг қонун ҳужжатларида (ЖПК 2-моддасининг иккинчи қисми) белгиланган тартибга риоя этиш воситасида ҳимоя қилиш каби мақсадларга қаратилганлигига доир далиллар келтирилган.

Юқори турувчи суд инстанцияларида жинойт ишларини кўриш суд хатоларини бартараф этиш мақсадида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг муҳим шаклидир. Суд амалиётининг ҳамда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иш юритишни тартибга солувчи жинойт-процессуал қонунчилик нормаларининг таҳлили мазкур босқичлар амалда қуйи турувчи судларнинг судлов фаолияти устидан суд назорати ва текшируви вазифасини, йўл қўйилган хатоларни тезкор тузатиш ва одил судлов сифатини ошириш воситаси вазифасини бажариши хусусида ҳулоса яшаш имкониятини беради. Бунда юқори турувчи инстанция судларининг суд назорати ва текшируви вазифаларини бир-биридан ажратишга доир асослар келтирилган.

Юқори турувчи суд инстанциялари томонидан амалга ошириладиган назорат ва текширув вазифаларини кўриб чиқиш суд қарорларини текшириш институти – берилган шикоятлар ва протестларни апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари томонидан биринчи инстанция судининг устидан шикоят қилинган ёки протест келтирилган ҳукмининг (ажримининг) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида кўриб чиқиш воситасида биринчи инстанция судининг фаолияти устидан назорат ва текширувни амалга ошириш бўйича, қонун билан тартибга солинган фаолиятдир, деган ҳулосага келиш имконини беради.

Муаллиф «текширув» ва «қайта кўриб чиқиш» атамаларининг таҳлилига ҳам эътибор қаратади. Диссертантнинг фикрича, ҳар бир иш юритишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳукмларни, ажримларни, қарорларни текшириш ёхуд қайта кўриб чиқиш ҳоллари мавжудлигини қайд этиш лозим. Юқори турувчи суд инстанцияларининг ваколатларини ўрганиш юқори турувчи суд инстанциялари биринчи навбатда ҳукмларни қайта кўриб чиқиш вазифасини бажаради, деган ҳулосага келиш имкониятини берди, бу вазифа доирасида ишда мавжуд бўлган ва процесс иштирокчилари томонидан қўшимча равишда берилган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган материаллар бўйича ҳукм, ажрим, қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш амалга оширилади. Жинойт ишларини юқори турувчи суд инстанцияси томонидан моҳиятан қайта кўриб чиқиш ҳам юридик, ҳам ҳақиқий

асослар бўйича амалга оширилади. Қайта кўриб чиқиш жараёнида далиллар ва янги қарор чиқариш имконияти текширилади. Яъни бу ерда сўз ишни такроран ҳал этиш ҳақида боради. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ўн биринчи бўлимини «Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича иш юритиш» деб қайта номлаш тўғрисидаги таклиф илгари сурилмоқда. Бу апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида иш юритишнинг моҳиятини янада тўлароқ акс эттириш имкониятини беради.

Диссертант ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари тизимини таҳлил этиб, уларни мазмунига ва ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш йўналишига қараб қуйидагича таснифлашни таклиф этади: 1-гурӯҳ – жиноят процесси иштирокчиларининг шикоят қилиш ҳуқуқи ва унинг таъминланиш даражаси; 2-гурӯҳ – юқори турувчи суд инстанцияларида ишларни кўриб чиқиш предмети, исботлаш чегаралари ва кўриб чиқиш муддатлари; 3-гурӯҳ – юқори турувчи суд инстанцияларида ҳукмларни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари; 4-гурӯҳ – юқори турувчи суд инстанцияларида жиноят ишини кўрувчи суднинг ваколатлари ва қабул қилинадиган қарорларга доир талаблар.

Диссертантнинг фикрича, шикоят қилиш ва протест келтириш, юқори турувчи суд инстанцияларида иш юритиш турлари ҳамда шаклларининг бири-бирдан фарқ қилишидан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг «Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари» деб номланган 55-бобини бекор қилиш, кўрсатилган шартларни эса тегишинча апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишни тартибга солувчи бобларда кўриб чиқиш лозим. Бу масала Россия Федерацияси, Қозоғистон ва МДҲнинг бошқа қатор мамлакатларида шундай ҳал этилган.

Бундан ташқари янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш институтини алоҳида бобга ажратиб чиқариш зарурияти тўғрисидаги таклиф илгари сурилмоқда. Бу институт МДҲнинг қатор мамлакатларида (Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Беларусь Республикаси, Украина) ЖПКнинг алоҳида бобида ўз аксини топган. Шунда мазкур иш юритишнинг мантиқий изчиллиги ва мустақиллигига риоя этилади.

Диссертант «тур» ва «шакл» деган тушунчаларга ҳам эътибор қаратади. Текширув институтининг тури – унинг мазмуни, шакли эса – ташкил этиш усули деган хулосани илгари суради. Мазкур хулоса қуйидагилардан келиб чиқади: 1) текширувнинг тури (апелляция, кассация ёки назорат тартибида иш юритиш) амалга ошириш шаклини белгилайди (юқори турувчи суд инстанцияларида иш юритишнинг вазифалари ва мақсадлари билан белгиланади); 2) ўз навбатида, шакл апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишнинг мазмуни (предмети, муддатлари, чегаралари, ваколатлари) билан белгиланади.

Шу муносабат билан суд қарорларини текшириш усулларини дифференциация қилишда «тур» деган тушунчадан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Диссертациянинг «Суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўлларига доир ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили» деб

номланган иккинчи бобида апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг моҳияти, тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, кассация инстанцияси судида иш юритишнинг тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, шунингдек назорат тартибида иш юритиш ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан тиклаш суд хатоларини бартараф этиш усуллари сифатида таҳлил этилган.

Муаллиф апелляция ва кассация инстанцияси фаолиятини ташкил этиш тартибини ўрганиш натижаларига кўра, суд қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича суд муҳокамасининг қуйидаги махсус босқичларини ажратиш кўрсатади: 1) судьянинг маърузаси; 2) процесс иштирокчиларининг тушунтириши; 3) қўшимча материалларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш; 4) суд мажлисида бевосита текширилиши лозим бўлган далилларнинг ҳажмини белгилаш.

Диссертацияда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини кўпинча процесснинг тайёргарлик қисмида йўл қўйиладиган бузиш ҳоллари таҳлил қилинди. Суд амалиётида бундай қонунбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида раислик қилувчининг тўғридан тўғри мажбуриятлари жумласига қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишни киритиш таклиф қилинмоқда: маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи ва шикоят ёки протест ўз манфаатларига тааллуқли бўлган бошқа шахслар шикоят ёки протест келиб тушганлиги ҳақида биринчи инстанция суди томонидан ўз вақтида хабардор қилинганлиги ёки қилинмаганлиги; судга келиб тушган протестлар ва шикоятлар билан танишиш ҳамда улар юзасидан ўз эътирозларини бериш имконияти уларга берилган-берилмаганлигини; маҳкумга ёки оқланган шахсга прокурор протестининг ёки жабрланувчи шикоятининг кўчирма нусхалари берилганлиги-берилмаганлигини; апелляция шикояти берган процесс иштирокчилари апелляция инстанциясида ЖПКнинг 479-моддасига мувофиқ ишни кўриб чиқиш натижаси тўғрисида ўз вақтида хабардор этилган-этилмаганлигини аниқлаштириш. Раислик қилувчининг мазкур мажбуриятларини ЖПКнинг 497¹¹-моддасида назарда тутиш муҳимдир.

Диссертацияда апелляция ва кассация инстанцияси судлари суд мажлисининг судьянинг маърузасига тааллуқли қисмини аниқлаштириш заруриятига ҳам эътибор қаратилади. Диссертантнинг фикрича, маърузачи судья бегараз шахс сифатида фақат шикоятнинг ёки протестнинг моҳиятини баён этиши мумкин. Важдарни баён этиш уларнинг асосномаси каби ҳар бири ўз тушунтиришлари билан сўзга чиқадиган шикоятчиларнинг ваколатига кириши керак. Бундай тартиб иш юритишдаги тортишув принципининг моҳиятига мос келади. Масалан, Беларусь Республикасида жиноят ишини кўриб чиқиш апелляция инстанцияси суди судьяларининг маърузаси билан бошланиб, у ишнинг, шикоятнинг ёки протестнинг ва уларга доир эътирозларнинг моҳиятини баён этади. Шундан кейин тарафларнинг протест ва шикоятларга доир асослари эшитилади (Беларусь Республикаси ЖПКнинг 385-моддасига қаранг). Мазкур масала Қирғиз Республикасида ҳам шундай тарзда ҳал этилган бўлиб, ушбу мамлакат ЖПКнинг 405-моддасига кўра суд муҳокамаси маърузачи судья томонидан ҳукмнинг ёки бошқа суд қарорининг мазмунини, шунингдек берилган апелляция шикоятлари ва тақдимномаларини қисқача баён этиш билан бошланади. Маърузадан кейин тарафларнинг маърузаси эшитилади, улар ўз важдарининг асосларини баён этади. Россия Федерациясида ҳам ЖПКнинг 389¹³-

моддасига кўра, суд тергови ҳукмнинг ёки бошқа шикоят берилган суд ҳукмининг мазмунини, апелляция шикояти ва (ёки) тақдимномаларнинг, уларга доир эътирозларнинг, шунингдек тақдим этилган қўшимча материалларнинг моҳиятини қисқача баён этиш билан бошланади.

Иш юритишнинг тортишув принципи моҳиятини ва апелляция тартибида иш юритиш чоғидаги маърузада суд мустақиллигини таъминлашнинг мувофиқлигини таъминлаш учун ЖПК 497¹¹-моддасининг тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилмоқда: «Ишни кўриб чиқиш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади, у ишнинг, берилган апелляция шикоятлари ва протестларининг, шунингдек уларга қарши эътирозларнинг моҳиятини баён этади. Қўшимча материаллар судга тақдим этилган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган тақдирда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этувчиларга танишиш учун беради». Яъни, бу билан судья шикоятдаги ёки протестдаги важларни эмас, балки берилган апелляция шикоятлари ва протестларининг моҳиятини баён этади. Бу психологик жиҳатдан идрок этиш билан ҳам боғлиқдир. Муаллифнинг фикрича, важларни эндиликда тарафларнинг ўзи баён этиш керак, бу зоҳирий жиҳатдан ҳам тортишувга риоя этиш имкониятини беради. Кассация инстанциясида ҳам масала шу тариқа ҳал этилиши керак.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларида иш юритишни ташкил этиш тартиби диссертант томонидан таҳлил қилинганлиги натижасида ягона амалиётни белгилашга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилади.

Музокараларнинг сифати ва мазмунлилигига доир долзарб масалалардан яна бири музокараларга тайёргарлик кўришдан иборатдир. Қонун ҳужжатларида музокараларга тайёргарлик кўриш имкониятини тартибга солиш ёки бу ҳақдаги эслатма мавжуд эмас. Шу билан бирга айнан шу босқичда, агар тарафларнинг далилларни текширишнинг тўлиқлиги ва тартиб-таомилига доир эътирозлари мавжуд бўлса, ўз маърузаларида уларни кўрсатишларини таъминлайдиган тарзда сифатли иштирок этишини таъминлаш лозим. Берилган шикоятларнинг кейинги таҳлили шундан далолат берадики, суд процессида далилларни текшириш натижаларига кўра, қоида тариқасида, кейинчалик бу далилларнинг баҳоланишидан кўп ҳолларда тарафлар норози эканлигидан далолат беради. Лекин аслида эса тарафларнинг суд музокараларидаги нутқларида, қоида тариқасида, суд тергови давомида сўзга чиқиш доирасида баён этилган важлари ёхуд апелляция шикоятидаги важлари такрорланади ёхуд амалда ҳеч қандай важ билдирилмайди. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда суд муҳокамасининг мазкур қисмига нисбатан бундай муносабатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида тегишли тушунтириш бериш ҳамда шу билан суд муҳокамасининг мазкур босқичини мақбуллаштириш ва унинг аҳамиятини ошириш таклиф этилмоқда.

Диссертант юқори инстанциясининг қарорини ажрим шаклида ифодалашни мустаҳкамловчи нормага ҳам эътибор қаратади. Муаллифнинг фикрича, агар апелляция ва кассация инстанцияси суди устидан шикоят берилган ҳукми бекор қилиш йўли билан янги қарор чиқарса, у ҳолда мазкур қарор ҳукм шаклида

чиқарилиши керак. Масалан, Украинада, Қирғиз Республикасида, Россия Федерациясида бу масала шу тарзда ҳал этилган.

Апелляция ва кассация тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлили баённоманинг аҳамияти катта эканлигидан далолат беради. ЖПК 426-моддасининг апелляция ва кассация тартибида иш юритишга нисбатан татбиқ этиладиган нормасида стенографик ёзувни қўллаш назарда тутилган. Шу билан бирга ҳеч бир ҳужжатда судьяларнинг котибларига ва ёрдамчиларига нисбатан стенографик ёзув бўйича кўникмаларга эга бўлиш бўйича талаблар назарда тутилмаган бўлиб, котибларда баённомани тўлиқ ва тўғри ёзиши кўникмаси пастлигининг сабаби шу билан изоҳланади. Мазкур масалани ҳал этиш учун судьяларнинг ёрдамчиларига нисбатан қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқотда суд қарорларини қайта кўриб чиқишни ташкил этиш тартибини қайта кўриб чиқиш зарурлиги ва изчиллик ўрнатиш, шунингдек апелляция ва кассация инстанциялари судларида қайта кўриб чиқиш предметини дифференциация қилиш зарурлигининг асослари келтирилган. Ривожланган мамлакатларнинг (Германия, Франция ва бошқалар) тажрибаси таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, муаллифнинг фикрича, суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг қуйидаги тартибини белгилаш лозим:

- апелляция тартибида иш юритишда – биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган қарорлари бўйича берилган шикоятлар ва протестларга нисбатан, унда шикоят қилиш предмети ҳам ҳуқуқ, ҳам фактлар масалаларидан иборат бўлади;

- кассация тартибида иш юритиш – апелляция тартибида кўриб чиқилган, қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан берилган шикоятлар ва протестларга нисбатан, бунда фақат моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш масалаларигина кўриб чиқиш предмети бўлади. Кассация тартибида иш юритишнинг мақсади қуйи турувчи судлар фаолиятининг қонунийлигини ушбу қонунийлик шартига жавоб бермайдиган қарорларни бартараф этиш йўли билан таъминлашдан иборат бўлади. Суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг кассацион тури минтакавий турга мансуб процессуал тизимларга эга бўлган – Австрия, Испания, Италия, Россия, Германия, Франция ва бошқа мамлакатлар учун хосдир.

Муаллиф апелляция ва кассация тартибида иш юритишнинг қуйидаги ўзига хос ижобий чегараларни аниқлаб берди:

1) жиноят процесси иштирокчиларини тартиб-интизомга бўйсундириш ҳамда шикоят ва протест билан эртароқ босқичда мурожаат қилиш;
2) апелляция тартибида иш юритишда кўриб чиқиш предмети бўлган қарорларнигина кассация тартибида кўриб чиқиш қоидаларини белгилаш, бу кейинчалик асосиз равишда ҳамда кечикиб берилган шикоятлар ва протестларнинг олдини олишда ўзига хос филтер вазифасини ўтайди;
3) апелляция ва кассация инстанциялари судлари томонидан кўриб чиқиш предметини дифференциация қилиш. Апелляция инстанцияси судлари томонидан кўриб чиқиш предмети ҳам ҳуқуқ масалаларидан, ҳам фактлардан, кассация инстанцияси судларида эса – ҳуқуқни қўллаш масалаларидан иборат

бўлиши мумкин; 4) қайта кўриб чиқиш чегараларини белгилаш ва бевосита шикоятда ёки протестда кўрсатилган важлар билан чеклаб қўйиш. Бу таклиф судда иш юритишнинг умумий тортишув қоидаларидан келиб чиқади. Муаллиф юқори турувчи суд томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш чегараларини шикоятда ёки протестда келтирилган важларга қараб белгилаш йўли билан бу масала ҳал этилиши мумкин ҳамда бу қондан ЖПКнинг 482-моддасида белгилаб қўйиш лозим деб ҳисоблайди. Мазкур масала Қирғиз Республикасида, Украинада, Қозоғистонда ва Туркменистонда шу тариқа ҳал этилган.

Ишда назорат тартибида иш юритишни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала ҳам кўтарилган. Муаллиф назорат тартибида иш юритиш институтининг фаолият кўрсатиш ҳуқуқий жиҳатдан муқаррарлик каби принциплари ҳам ҳавф остига қўйишига эътибор қаратади. Мазкур принцип суд қарорининг узил-кесиллиги каби тушунча билан ҳам боғлиқдир. Бунинг устига назорат тартибида иш юритишнинг ҳозирги ҳолати статистикаси таҳлили чиқарилаётган қарорларнинг сифати ҳақида ҳам, ҳуқуқий барқарорлик тўғрисида ҳам сўз юритиш имкониятини бермайди.

Ишларни кўриб чиқиш ва тарафларнинг иштирок этиш сифатини ўрганиш суд қарорларининг устидан шикоят берилиши ва протест келтирилиши мумкин бўлган қатор инстанцияларнинг мавжудлиги қонун устуворлиги шартларидан бири бўлган ҳуқуқий барқарорликка эришишга салбий таъсир кўрсатади, деб тахмин қилиш учун асос бўлади. Суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура вакиллари ўртасида ўтказилган сўровлар жиноят процесси иштирокчилари биринчи инстанция судида иштирок этиш ва далилларни тақдим этишда ҳам, апелляция ва кассация инстанцияларида ишларни кўриб чиқишда ҳам сифатга нисбатан ҳар доим ҳам жиддий муносабатда бўлмаётганлигидан далолат беради. Бу кўпинча, агар нимадир бой берилган бўлса ва кўриб чиқилмаган бўлса, назорат тартибида шикоят ёки протест бериш имконияти ҳар доим сақланиб қолиши хусусидаги субъектив ишонч билан ҳам боғлиқдир. Бунинг устига назорат тартибида иш юритиш бўйича бир неча бор ташаббус қилиниши мумкин.

Бундан ташқари назорат тартибида иш юритишни ташкил этиш тартибининг таҳлили бу тартиб судда иш юритишдаги тортишув принципига мувофиқ эмаслигидан гувоҳлик беради. Биринчидан, назорат тартибида иш юритиш тарафларнинг муносабатларига қараб ташаббус қилиниши мумкин. Иккинчидан, суд фаол мавқени эгаллайди ва ЖПКнинг 511-моддасида кўрсатилган шахсларнинг, айнан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва унинг ўринбосарлари ўз хоҳишига кўра суддан ҳар қандай жиноят ишини текшириш ва назорат протести келтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ўз ваколатлари доирасида талаб қилиб олиши учун асос бўлиши мумкин. Яъни, шунинг ўзиёқ ишни кўриб чиқишда холисликка ва беғаразликка риоя этилишини истисно этади. Учинчидан, бундай хоҳиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорида ва унинг ўринбосарларида ҳам назарда тутилган. Бу назорат тартибида иш юритишнинг суд процессида тарафларнинг турли мавқега эга эканлигидан далолат беради ва бу судда иш юритишнинг тортишув принципини бузади.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси жиноят процессида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш институти тизимидан назорат тартибида иш юритишни чиқариб ташлаш тўғрисида хулоса яшаш имкониятини беради.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг янги таҳририни тайёрлаш доирасида янги очилган ва янги ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайта тиклаш масаласини кўриб чиқишни мустақил бобда тартибга солишни ҳам таклиф этади. Бунда диссертант амалдаги таҳрирда янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан тиклаш ҳуқуқи прокурорга тегишли эканлигига эътибор қаратади. Унинг фикрича, бу тортишув принципини бузади. Шу сабабли муаллиф маҳкумга, оқланган шахсга, жабрланувчига, уларнинг қонуний вакилларига, ҳимоячиларига ҳам янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан тиклаш масаласида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилишини таклиф этади. Ишда судга янги очилган ҳолатлар муносабати билан ўз қарорига кўра иш юритишни қўзғатиш, башарти бунинг учун сабаблар ва асослар мавжуд бўлса, ваколатини бериш зарурлиги тўғрисидаги хулоса асослаб берилган бўлиб, унда тортишув принципига риоя этилади.

Таклиф этилаётган ўзгартишлар инobatга олинган ҳолда иш юритишни қайта тиклашнинг қуйидаги институтини белгилаш таклифи илгари сурилмоқда. Янги очилган ва янги ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайта тиклаш – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, унда ўзининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари суднинг, шунингдек прокурорнинг адолатсиз қарори билан бузилган жиноят процесси иштирокчилари томонидан ташаббус қилинган иш юритиш асосида суд хатоларини тузатиш орқали суд назорати вазифалари амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари бўйича хорижий тажриба**» деб номланган учинчи бобида инглиз-саксон ҳуқуқ тизимида суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари, роман-герман ҳуқуқ тизими мамлакатларида суд хатоларини бартараф этиш ва тузатиш йўллари, шунингдек айрим МДХ мамлакатлари жиноят процессида суд хатоларни тузатиш усуллари тизими тадқиқ этилган.

Мазкур бобда диссертант ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларига қараб, ҳар бир мамлакатнинг жиноят-процессуал қонунчилигида суд хатоларини тузатиш ва адолатсиз суд ҳукмларини ижро этишнинг олдини олиш мақсадида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш фаолиятининг предмети бўлган судлов инстанциялари назарда тутилганлигига доир асосларни баён этади. Ишда қатор узоқ ва яқин хориж мамлакатларида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш тизимининг таҳлили келтирилган.

Муаллиф инглиз суд ишини юритиш тизимида жиноят ишлари бўйича турли инстанция судларининг қарорлари устидан шикоят қилиш ва уларни қайта кўриб чиқишнинг барча усуллари апелляция деб аташ қабул қилинганлигига эътибор қаратади. Инглиз суд ишларини юритиш тизимининг ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари шундаки, суд қарорларининг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи чекланган. Апелляция – ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилиги текширилишини талаб этадиган тарафларнинг тегишли имтиёз деб

ҳисобланадиган қатор МДХ мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия каби мамлакатларнинг апелляция соҳасида жиноят судлов ишини юритишдан фарқли равишда инглиз апелляцияси – бу апелляция бериш имконияти бўлиб, у апелляция билан мурожаат қилинганлиги фактини асосли деб топишга қаратилган суд қарорига боғлиқдир. Суд бу илтимосни қаноатлантириши ёки рад этиши мумкин.

Англияда шикоят қилиш ва суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг барча усулларини апелляция остида бирлаштириш апелляциянинг аниқ турларини таснифлашни тақозо этди, бу, ўз навбатида, шикоят бериш ҳуқуқини амалга оширишни қийинлаштиради. Бунинг сабаби шундаки, апелляция турларига боғлиқ ҳолда у ёки бу апелляция шикояти бериш усулининг процессуал режими ҳам фарқланади. Янги далиллар, агар улар ҳукми бекор қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлсагина, апелляция судида кўриб чиқилиши мумкин эканлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Бу ҳолда ишни биринчи инстанция судида янгидан кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин суд қарори қонун кучига эга бўлади. Шу муносабат билан ғарб юристлари фақат назорат тартибида иш юритиш босқичинигина эмас, балки янги ёки янгидан очилган ҳолатлар туфайли ишларни қайтадан бошлаш босқичини ҳам инкор этадилар.

Ўз навбатида Америка Қўшма Штатларида ҳукмларни апелляция тартибида текшириш энг мураккаб ва тартибга солилмаган процессуал институтлардан биридир. Ишни шикоятлар юзасидан қайта кўриб чиқиш аралаш хусусиятга эга: суд амалиёти вердиктнинг иш бўйича ҳақиқатда тўпланган далилларга зид эканлигини ҳуқуқ бузилишига тенглаштиради. Апелляция суди ҳукми тасдиқлаши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин бўлган, лекин бир қатор штатларда биринчи инстанция томонидан белгиланган жазони енгиллаштиришга йўл қўйилмаган. Замоनावий Америка жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари апелляция шикояти бериш ҳуқуқига талай чекловлар белгилайди. Масалан, апелляция шикояти бериш учун, умумий қоидага кўра, фақат ҳуқуқ масаласи асос бўлиши мумкин; биринчи инстанция судида ўз айбини тан олмаган маҳкумгина ҳукм устидан шикоят қилиши мумкин. Шу билан бир вақтда, бу сингари чекловлар, процесс иштирокчиларининг зиммасига кейинчалик бундай имконият бўлмай қолишини англаган ҳолда, ҳар бир тартиб-таомилдан самарали фойдаланиш масъулиятини юклайди.

Фақат «жиддий хато»: судланувчининг асосий процессуал ҳуқуқларини бузадиган деб талқин этилиши мумкин бўлган хатолар айблов ҳукмининг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Бопқача айтганда, йўл қўйилган хатолик айбланувчининг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказган бўлиши керак. Эслатиб ўтамиз, шикоят бериш имкониятини аниқлашда апелляцияда кўтариладиган масалаларнинг муҳимлик даражаси текширилади. «Юзаки» апелляцияларни кўриб чиқиш рад этилиши, шунингдек уларни берганлик ва апелляция инстанциясини муҳим ишлардан чалғитганлик учун апелляция киритган гаров пулини мусодара қилиш тарзида ифодаланадиган санкциялар қўлланилиши мумкин.

Америка жиноят суд ишларини юритишида апелляцияларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни жиноят ишлари бўйича қарорларнинг қонунийлигини ва асослилигини текширишнинг алоҳида шартлари билан боғлиқ фавқулодда апелляция турларига шартли равишда киритиш мумкин. Апелляцияларнинг мазкур турлари АҚШ Олий судида ва бир қатор штатларнинг олий судларида амалга оширилади.

Бир галда АҚШ Олий судида апелляция бутун мамлакат суд амалиёти учун принципиал муҳим бўлган «федерал масалани» ҳал этиш эҳтиёжи юзага келганда ёки федерал апелляция судларидан бири илгари айни шундай масала бўйича бошқа федерал апелляция суди томонидан қабул қилинган қарордан жиддий фарқ қилувчи қарор чиқарганда амалга оширилади.

Буюк Британия жиноят процесси сингари Америка суд ишларини юритиши «апелляция» тушунчасини қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят қилишнинг ва ҳукмларни қайта кўриб чиқишнинг муайян шаклига тенглаштирмайди (Т.Г.Бородинова). Ҳукмлар устидан шикоят бериш усулларининг катта қисми апелляция деб аталади, қолгани «Хабеас корпус» асосида қайта кўриб чиқилади (Н.В.Сидорова).

Франция қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш жиноят процессида суд қарорлари устидан шикоят беришнинг икки тури: одатий ва фавқулодда турлари мавжудлигидан далолат беради. Франция жиноят процессида апелляциянинг мақсади биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган қарорни апелляция суди томонидан ўзгартиришдан ёки бекор қилишдан иборат. Апелляция шикояти бериш апелляция инстанцияси судида янги суд муҳокамасига сабаб бўлади. Лекин ҳукм унинг фақат шикоят қилинган қисмида ва шикоятда кўрсатилган ҳолатлар қисмидагина қайтадан кўриб чиқилади. Апелляция шикояти ҳам ҳуқуқий, ҳам фактик асослар бўйича билдирилиши мумкин. Франция жиноят процессида апелляция тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, апелляция суди биринчи инстанция судида бўлган суд муҳокамаси доирасидан четга чиқишга ҳақли эмас. Бунда апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятида баён қилинган талаблар билан боғланган.

Ўз навбатида *кассация ва тафтиш* суд қарорларини қайта кўришнинг фавқулодда шакллариغا киради. Мазкур шакллар алоҳида, яъни фавқулоддадир, чунки улар суд хатосини тўғрилашнинг охириги усуллари бўлади ва қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилгандир. Кассация шикоятининг асослари чекланган ва узил-кесил хусусиятга эга бўлади. Бундай асослар жумласига инсон ҳуқуқларига зарар етказган қоидабузарликларгина киритилиши мумкин. Ўз навбатида, тафтиш ҳукмда мавжуд бўлган фактик хатоларни тўғрилашга қаратилгандир.

ГФР жиноят процесси ҳукмлар устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят қилишни, шунингдек ишларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишни назарда тутди. Апелляция тартибида, аслини олганда, биринчи инстанция суди муҳокамасини қайтадан амалга оширади, бунда иш моҳияти бўйича қайтадан ҳал этилиши мумкин. Тафтиш иш юритишида процессуал моддий ҳуқуқ нормаларига риоя этиш ва уларни қўллашга доир масалалар устидангина шикоят келтирилиши мумкин. Кейинги тур – кучга кирган ҳукм

билан тугалланган иш юритишни қайтадан бошлаш Германия жиноят процессининг апелляция ва кассация тартибида қайта кўриб чиқиш жараёнида аниқланмаган суд хатоларини бартараф этишга қаратилган экстраординар (ғайриодатий) босқичидир.

Муаллиф тадқиқот ишида МДХ мамлакатлари жиноят процессида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш тизимини ўрганишга ҳам эътибор қаратган, чунки мазкур мамлакатларни умумий ҳуқуқий мерос бирлаштиради. Айрим МДХ мамлакатларининг мустақиллик қўлга киритилгандан кейин қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, суд қарорларини қайта кўриб чиқишни тартибга солиш масалалари тубдан модернизация қилинмаган эди ва айрим принципларга, масалан ҳуқуқий аниқлик, суд қарорларининг узил-кесиллиги принципларига тўлиқ мос эмас эди. Аксари мамлакатларда кассация, назорат ва янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш каби иш юритишлар сақланиб қолган эди, бу бир эмас, балки бир қатор текширув инстанцияларининг мавжудлигини, шунингдек биринчи инстанция суди ҳукмининг чиқарилиши вақти билан кейинги юқори суд инстанцияларидаги суд қарорларини эҳтимолда қайта кўриб чиқилиши вақти оралиғидаги узилишлар бўлганини яққол кўрсатади. Бу ҳам шубҳасиз қайта кўриб чиқиш сифатига таъсир кўрсатган. Мазкур масалага оид бир қатор тадқиқотларнинг натижаларини ўрганиш шундай хулоса чиқариш имкониятини берадики, талай текширув инстанцияларининг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан суд қарорлари қайта кўриб чиқилишининг самарадорлигини таъминлаши ва аввалги инстанцияларда ишни кўриб чиқиш сифатига таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Бунинг устига, процесс иштирокчилари психологик жиҳатдан ҳам айбловнинг, ҳам ҳимоянинг барча тусмоллари ва имкониятларини охиригача кўриб чиқа олмайди. Бунда суд қарорларини қайта кўриб чиқиш институтларига ҳали мурожаат қилиш имконияти олдинда бор деб ҳисоблаб, руҳий жиҳатдан шунга йўл кўядилар.

Муаллиф томонидан хулоса қилинадики, умуман олганда ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тартиби Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси ва Украинада ишларни Ўзбекистон Республикасида апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш тартибига ўхшашдир. Шу билан бир вақтда ўзининг фарқ қилувчи хусусиятларига ҳам эга.

Тадқиқ этилаётган мамлакатлар (Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси) учун эътиборга лойиқ жиҳат шундаки, кассация иш юритувида суд шикоятлар ва тақдимнома важлари билан боғланиб қолмайди, жиноят иши бўйича иш юритишни тўлиқ ҳажмда ва барча ҳукм қилинганларга нисбатан текширишга ҳақли. Фақат Украинада қайта кўриш кассация шикояти доирасида амалга оширилади. Кассация инстанцияси суди кассация талаблари доирасидан, агар бу билан ҳукм қилинган, оқланган ёки ўзига нисбатан тиббий ёки тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масала ҳал этилган шахснинг ҳолати ёмонлашмаса, чиқишга ҳақли.

Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси ва Украинада кассация инстанциясида ишларни кўриш тартиби апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Назорат тартибида иш юритиш фақат Россия Федерациясида сақланиб қолган. Лекин у ҳам танқид остига олинмоқда. Жумладан, Россиядаги назорат тартибида иш юритиш илгари ҳал этилган ишнинг такроран кўриб чиқилмаслиги ва иш бўйича узил-кесил қарор шубҳа остига олинмаслиги кераклигига бўлган юридик (қонуний) ишонч халқаро эътироф этилган принципларини бузиши сабабли самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаси бўла олмайди (Н.П.Ведишчев).

Номланишида айрим фарқланишларга карамай, тадқиқ этилаётган мамлакатларнинг ҳар бири жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида суднинг қарорларини текшириш ва суд хатоларини тузатишнинг жиноят суд ишларини юритишга доир, ўз доирасида барча судлар ва барча суд инстанцияларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари кўриб чиқилиши ҳам мумкин бўлган иккинчи (назорат инстанцияси судида иш юритишдан кейинги) алоҳида босқичи ҳисобланувчи усулини назарда тутати ҳамда бу олдинги суд босқичларида объектив сабабларга кўра тузатилмай қолган суд хатоларини бартараф этишнинг «захира механизми» ҳисобланади.

Илмий тадқиқотнинг **«Жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи боби шикоят ва протест келтириш тартибини такомиллаштириш, шикоят ва протест келтириш субъектларининг процессуал мақомини ошириш, юқори турувчи инстанциялар судларида суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартиришга доир асосларни таснифлаш ҳамда уларни ривожлантириш, юқори турувчи инстанциялар судларида ишларни кўриш самарадорлигини ошириш ва уларнинг ваколатлари доиралари каби масалаларни таҳлил қилишга қаратилган.

Диссертант суд қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритишларни кўзғатишнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратади. Шунингдек иш юритишни кўзғатиш учун сабаб бўладиган ҳужжатлар атамаларининг номланишини таҳлил қилади.

Муаллиф шикоят ёки протест олинганидан кейин амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритмининг кўриб чиқиш учун таклиф этади, у олти босқичга бўлинган. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси шикоятларнинг, протестнинг жоизлигини; шикоят, протест берувчининг ҳуқуқий лаёқатини; ишни юқори турувчи инстанция судларида кўриб чиқиш учун асослар мавжудлигини текширишга қаратилган.

Апелляция, кассация шикоятини келтириш қонуний манфаатлари ҳукмда қабул қилинган қарорлар билан боғлиқ бўлган фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмининг ҳаракатга келтиришини инобатга олганда, диссертантнинг фикрича, юқори турувчи судлар томонидан ишларнинг кўриб чиқилиши сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек суд қарорлари устидан ўз вақтида ҳамда сифатли шикоят берилиши, протест келтирилиши юзасидан жиноят процесси иштирокчиларининг масъулиятини кучайтириш учун ишларни апелляция ва кассация инстанциялари судларида кўриб чиқишни шикоят ҳамда протест доирасида чеклаш керак бўлади. Ўз навбатида, шикоятда ва протестда важларнинг кўрсатилиши апелляция, кассация инстанцияси судининг ҳукм адолатлими ёки адолатли эмаслигини аниқлаш, шикоятдаги

хар бир важга асослангиланган жавоб бериш, номи келтирилган шахслар хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш, устидан шикоят қилинган ҳукмнинг қонунийлиги, асосланганлиги ҳамда адолатлилигини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятига мутаносиб бўлади.

Диссертант томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шикоятни, протестни бериш оқибатлари ҳам таҳлил қилинади. Шикоят ёки протест қайтарилган тақдирда, ажримда шикоятни кўриб чиқиш учун қабул қилишга монелик қиладиган аниқ камчиликларни мажбурий тартибда кўрсатиш ва уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш таклиф этилмоқда. Шикоят, протест талабларга номувофиқлиги аниқланган ҳолларни назарда тутган ҳолда ЖПКнинг 497⁷ ва 502¹-моддаларида қуйидагиларни акс эттириш таклиф этилган: агар шикоят ва протест мазмуни ЖПКда кўрсатилган талабларга жавоб бермаса ва бу келгусида ишни мазмунан кўриб чиқишга тўсқинлик қилса, судья уч кунлик муддат ичида шикоят ва протестни уни берган шахсга қайтариш тўғрисида ажрим чиқариш кераклиги ҳақида. Апелляция шикояти ёки протести қайтарилган тақдирда судья шикоят ёки протестни қайта тузиш учун муддатни белгилаши керак. Судьянинг апелляция шикоятини, протестини қайтариш тўғрисидаги ажрими талаблари бажарилмаган ва апелляция шикояти, протести белгиланган вақтда келиб тушмаган бўлса, у берилмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда ҳукм қонуний кучга кирган деб ҳисобланади. Кассация тартибида шикоят келтирилган ҳолатда кассация шикоятини ёки протестини қайта тузиш учун муддати белгиланмайди. Аммо кассация шикояти, протести йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин берилиши мумкин.

Диссертант, шунингдек кассация шикояти бериш муддатларини ҳам таҳлил қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори эътиборни ҳозирги вақтда қонунда кассация шикояти (протести) бериш учун бирор муддат белгилаб қўйилмаганига қаратади. Айни чоғда тушунтириш берилишича, «ЖПК 500-моддасининг мазмунига кўра ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин берилган шикоят (протест), агар шикоятда (протестда) оғирроқ жиноят ҳақидаги, жазони кучайтириш тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги ёки маҳкумнинг ҳолати ёмонлашуви сабаб бўладиган бошқа ўзгаришлар (маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш бўйича қаттиқроқ турдаги колонияни белгилаш, шартли ҳукми бекор қилиш, жарима миқдорини кўпайтириш, агар жиноятнинг тавсифи ўзгаришига ёки айбловнинг мазмуни маҳкумнинг ҳолати ёмонлашуви томонига ўзгаришига сабаб бўлса ва ҳ.к.) ҳақидаги, шунингдек оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги суд ажримини бекор қилиш зарурлиги ҳақида масала қўйилган бўлса, қаноатлантирилиши мумкин эмас. Бунда бир йиллик муддатни тегишли ҳукм, ажрим қонуний кучга кирган кундан эътиборан кассация инстанциясининг суди томонидан қарор қабул қилинадиган кунга қадар ҳисоблаб чиқариш лозим». Фикримизча, кассация шикояти учун бундай муддат институционалликка албатта риоя этган ҳолда шикоят беришнинг икки поғонали тизимини белгилашда ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Бундай қоидаларни биз Россия

Федерацияси (ЖПК 401.6-моддаси), Қозоғистон (ЖПК 487-моддаси), Беларусь Республикаси (ЖПК 406-моддаси, бунда сўз назорат тартибида иш юритиш ҳақида боради), Қирғиз Республикаси (ЖПК 433-моддаси), Туркменистон (487-модда, назорат тартибида иш юритиш) қонун ҳужжатларида учратишимиз мумкин. Украинада апелляция инстанцияси суди томонидан суд қарори эълон қилинган кундан эътиборан уч ойлик муддат белгиланган (ЖПК 426-моддаси). Молдовада бу муддат янада кам – қарор эълон қилинган кундан эътиборан 30 кун (ЖПК 422-моддаси). Грузияда ҳам шикоят беришнинг бир ойлик муддати (ЖПК 302-моддаси) белгиланган.

Диссертант шикоятни, протестни чақириб олиш тартибини тартибга солиш зарурлигига ҳам эътибор қаратади.

Илмий ишда шунингдек шикоят, протест келтиришга бўлган ҳуқуқларни қайтадан кўриб чиқиш; юқори турувчи инстанция судларида кўриб чиқиш предметини табақалаштириш муносабати билан суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини янада такомиллаштириш ҳамда юқори турувчи инстанциялар судларининг қарорлари номланишига нисбатан ёндашувларни ўзгартириш зарурлиги ҳақида далиллар келтирилади. Хатоларнинг олдини олишга қаратилган услубий курсатмалар тайерланиши кераклиги тўғрисида важлар келтирилган.

Диссертант томонидан апелляция ва кассация инстанциялари судига янги ҳукм чиқариш ваколатини бериш, шу жумладан жазони кучайтириш ва оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга оид ҳолатлар бўйича ҳам таклифлар асослантилган.

ХУЛОСА

Суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари тартибга солиш масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти процессуал ҳаракатлар ҳамда қарорларнинг қонунийлиги принципларини ва улар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг қафолати эканлиги ҳақидаги хулоса асосланди.

2. Илмий қарашларни умумлаштириш шундай хулоса чиқариш имкониятини берадики, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг судлари, биринчи навбатда назорат (контроль) ваколатларини амалга оширади, чунки шикоят ёки протест мавжудлиги кўрсатилган судлар томонидан ишларни кўриб чиқишнинг зарурий шартидир. Шу билан бир вақтда, таъкидлаш зарурки, қонунга мувофиқ, кўрсатиб ўтилган судлар шикоят ёки протестнинг важлари билан чекланиб қолмай, ишни барча ҳукм қилинганларга, шу жумладан шикоятлар бермаганларга нисбатан ҳам ўзи хусусида шикоят ва протест келтирилмаганларга нисбатан ҳам тўлиқ ҳажмда текшириб чиқади. Демак, мазкур судларга, уларнинг фаолиятида тафтиш асослари мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда келиб чиқувчи назорат ваколатлари ҳам хосдир. Юқори турувчи

инстанциялар судлари шикоятлар ва протестлар бўйича ишни кўриб чиқар экан, нафақат текшириши, балки суриштирув, дастлабки тергов органлари ва биринчи инстанция суди томонидан қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши тўғрисида хулоса чиқарилди.

3. Амалдаги қонун ҳужжатларини ва институтларнинг белгиланган мақсадини инобатга олган ҳолда: «суд қарорларини текшириш институти», «янги очилган ва янги ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш институти», «суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари» тушунчаларининг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди.

4. Суд қарорларини текшириш институтининг қуйидаги асосий тавсифловчи элементлари ажратиб кўрсатилди: ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган инстанциялар тизими; апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишни тартибга солувчи нормалар тизими; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида иш юритиш; апелляция, кассация ва назорат тартибида суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши ва ҳуқуқларни қайтадан тиклаш усули; назорат (контроль) қилиш шакли (тури) ва суд хатоларини тузатиш воситаси.

5. Суд қарорларининг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари ҳуқуқий масалаларни тартибга солишнинг мазмуни ҳамда йўналишига қараб муаллиф томонидан таснифлаб чиқилди.

6. Ҳар бир иштирокчининг суд қарорлари устидан шикоят қилиш ва протест келтириш ҳуқуқи ҳажмини аниқлаштириш, шунингдек суд қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича иш юритиш предметини аниқлаштириш зарурлиги тўғрисида далил-асослар келтирилди.

7. Суд қарорларининг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини текшириш институтига татбиқан тур ҳамда шаклнинг ўзаро нисбатини таҳлил қилиш асосида қуйидаги схема таклиф этилмоқда: *текшириш институтининг тури – бу унинг мазмуни, шакли эса – ташиқил этилиши усули.*

8. Судлар тизимида мустақил апелляция судларини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, кассация инстанцияси сифатида Олий судни белгилаш таклиф этилмоқда. Бу биринчи инстанция судьялари юқори турувчи инстанция судьяларининг қарорларига таъсир кўрсатиш эҳтимолининг олдини олиш имконини беради ва ишнинг холисона ҳамда ҳаққоний равишда ҳал этилишига кўмаклашади.

9. Суд қарорларини бекор қилиш ва ўзгартириш асосларини юқори турувчи инстанциялар судларида кўриб чиқишга предметига қараб табақалаштириш зарурлиги тўғрисида таклифи илгари сурилмоқда.

II. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштиришга доир таклифлар

10. Юқори турувчи суд инстанцияси томонидан жиноят ишларини қайта кўриб чиқиш мазмунан, яъни ҳам юридик, ҳам фактик асослар бўйича амалга оширилади. Қайта кўриб чиқиш жараёнида далиллар текширилади ва янги қарор чиқарилиши мумкин, яъни амалда иш такроран ҳал этилиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг «Ҳукм, ажрим ва

қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш» деб номланган ўн биринчи бўлимини «Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича иш юритиш» тарзида қайта номлаш таклиф этилмоқда, бу апелляция ва кассация инстанцияларида иш юритишнинг моҳиятини тўлароқ акс эттириш имконини беради.

11. Шикоят бериш ва протест келтиришнинг, юқори турувчи инстанциялар судларида иш юритишнинг турлари ҳамда шакллари фарқланишидан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг «Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари» деб номланган 55-бобини бекор қилиш ҳамда шартларни тартибга солувчи нормаларни тегишинча апелляция ва кассация иш юритишини тартибга солувчи бобларда кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклиф илгари сурилмоқда.

12. ЖПКнинг суд ваколатларини тартибга солувчи 29-моддаси нормаларини шартли равишда урта қисмга бўлган ҳолда тизимлаштириш зарурлиги ҳақида таклиф илгари сурилмоқда: биринчи қисмда суднинг судга қадар иш юритишдаги ваколатларини, иккинчи қисмда суднинг суд босқичларидаги ваколатларини кўрсатиш керак бўлади ва учинчи қисм эса суднинг қўйи турувчи судлар фаолияти устидан назорат қилишга доир ваколатларини белгилашга қаратилган бўлади.

13. Биринчи инстанция суд томонидан текшириш предмети бўлмаган далиллар (янги далиллар), уларни бундай илтимоснома билан мурожаат этган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имконияти йўқлиги асосланган ва суд ушбу сабабларни узрли деб эътироф этган тақдирдагина, суд томонидан қабул қилинадиган қонидани белгилаб қўйиш зарурлиги ҳақидаги таклиф асосланди. Шу муносабат билан ЖПКнинг 497¹¹-моддасини қўйидаги таҳрирдаги 10-қисм билан тўлдириш таклиф этилмоқда: «Биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган янги далиллар, агар тарафлар уларни олиш зарурлигига ҳавола қилса ва ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уларни биринчи инстанция судига тақдим этишнинг имкони йўқлиги ҳақида важлар келтирган бўлса ҳамда суд бу сабабларни узрли деб топса, суд томонидан қабул қилинади».

14. Илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда қонун ҳужжатларида қўйидаги ўзгартишларни назарда тутиш таклиф қилинди:

а) инстанцияларнинг мажбурий кетма-кетлигини белгилаб қўйиш (кассация иш юритиши фақат апелляция иш юритишидан кейингина бўлиши мумкин);

б) ҳуқуқ ва факт масалалари фақат апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш предмети бўлиши мумкинлигини, кассация инстанцияси судида эса, фақат ҳуқуқ масалаларини биркитиб қўйиб, апелляция ва кассация инстанциялари судининг кўриб чиқиш асослари ҳамда доираларини табақалаштириш;

в) апелляция ва кассация инстанциялари судининг ишни кўриб чиқиш доираларини шикоятда ва протестда келтирилган важлар билан ҳамда фақат ўзига нисбатан шикоят ва протест келтирилган шахслар билан чеклаш. Бунда, агар ишни кўриб чиқиш вақтида қонунга хилоф ҳукм чиқарилишига сабаб бўлган, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишлари

аниқланса, апелляция ва кассация инстанцияси суди ҳукми шикоят қилинмаган ва протест келтирилмаган қисми бўйича ҳам ва ўзи хусусида шикоят, протест берилмаган шахсларга нисбатан ҳам бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлиши ҳақидаги қондан мустаҳкамлаб қўйиш зарур.

15. ЖПКга янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашни тартибга солишга, шунингдек мазкур институтни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ЖПКнинг мустақил бобида назарда тутиш таклиф қилинмоқда.

III. Апелляция ва кассация инстанцияларида суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар

16. Вақт, моддий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида юқори турувчи инстанцияларнинг судларида суд мажлислари жараёнида видеоконференцалоқа тизимларидан биринчи инстанция судида фойдаланиладиганига ўхшаш тартибда ва шартларда фойдаланишни жорий этиш таклиф қилинмоқда.

17. Гувоҳлар ва жабрланувчиларни қуйидаги ҳолларда конференцалоқа орқали сўроқ қилиш масаласини назарда тутиш таклиф қилинмоқда: мазкур шахслар касаллиги сабабли; суд жойлашган ердан узоқ масофада турганлик ва бу қилиш учун харажатларни ҳамда вақтни талаб қилиши сабабли; хавфсизликни таъминлаш ҳамда мазкур шахсларга ҳимоя ва айблов вакиллари томонидан босим ўтказилишининг олдини олиш мақсадида; вояга етмаганлиги сабабли.

Видеоконференцалоқадан фойдаланилганда техник носозликлар юз берган тақдирда, мазкур ҳолатни қонун ҳужжатларида суд муҳокамасини кейинга қолдириш учун асос сифатида кўрсатиш керак бўлади.

18. Суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг қуйидаги тартибини белгилаб қўйиш таклиф этилмоқда:

– апелляция иш юритиши – биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган қарорларига доир шикоятлар ва протестларга нисбатан, бунда ҳуқуқ масалалари ҳам, факт масалалари ҳам шикоят қилиш предмети бўлади;

– кассация иш юритиши – қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларига доир шикоятлар ва протестларга нисбатан, бунда фақат моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилиши масалалари кўриб чиқиш предмети бўлади. Кассация иш юритишининг мақсади ушбу шартга жавоб бермайдиган қарорларни бартараф этиш орқали қуйи турувчи судлар фаолиятининг қонунийлигини таъминлашдан иборат бўлади. Мамлакатимиз жинойт-процессуал қонун ҳужжатларида масаланинг бундай ҳал этилиши апелляция ва кассация иш юритишининг предмети ҳамда доираларини чегаралаш имконини беради.

19. Илгари сурилаётган таклифга кўра, мазкур институтнинг самарадорлигини оширишга янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни қайтадан бошлаш асосларини аниқлаштириш; ҳолатларни янгидан очилганларига ва янгиларига ажратиш; жинойт процесси бир қатор иштирокчиларининг иш юритиш ташаббуси билан чиқишга доир ҳуқуқларини ва бошқа қатор масалаларни тартибга солишга хизмат қилади.

20. Янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқувчи судлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш таклиф қилинади: биринчи инстанция суди – апелляция тартибида кўриб чиқилмаган ўзининг қонуний кучга кирган суд қарори бўйича янги ёки янгидан очилган ҳолатлар юзасидан ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш бўйича; апелляция инстанцияси суди – ўзининг суд қарори бўйича янги ёки янгидан очилган ҳолатлар юзасидан ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар бўйича.

21. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқини, шунингдек маҳкумга, оқланган шахсга, жабрланувчига, уларнинг қонуний вакилларига, ҳимоячиларига бериш, яна шунингдек янги очилган ҳолатлар туфайли сабаблар ва асослар мавжуд бўлган тақдирда судга ўз қарори билан иш юритишни қўзғатиш ваколатини бериш таклиф қилинмоқда. Шунга кўра тортишув принципига риоя этилади.

22. Ҳукмларнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши сабабларини аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган услубий тавсиялар тайерлаш; юқори турувчи инстанциялар судларида иш юритиш самарадорлигини ошириш мақсадида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш чоғида судьяларда пайдо бўладиган муаммоли масалалар доирасини аниқлаш зарурияти асослантирилган.

23. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тегишли органларга юборилди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 AT THE TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

TUKHTASHEVA UMIDA ABDILOVNA

**CRIMINAL PROCEDURAL WAYS
OF ELIMINATION OF JUDICIAL ERRORS**

12.00.09 – Criminal procedure. Criminalistics, operational-search law and forensic enquiry

ABSTRACT
of the dissertation of the doctor of sciences (DSc) on legal sciences

Tashkent - 2020

The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number № B2017.1.DSc/Yu20.

The dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (summary)) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz) and Informational Educational Portal “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Official opponents:

Pulatov Bakhtiyor Khalilovich

Doctor of Science in Law, Professor

Mirzaev Aziz Alisherovich

Doctor of Science in Law, docent

Khayriev Nodirjon Isroilovich

Doctor of Science in Law

Leading organization:

the Higher school of judges under the Supreme judicial council of the Republic of Uzbekistan.

The defence of the dissertation will be held on January «24», 2020 at 10:00 at the Session of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Yu 22.01 at the Tashkent State University of Law. (Address: 100047, Sayilgokh street, 35, Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; fax: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation (DSc) is available at the Information-Resource Center of the Tashkent State University of Law (registered under number № 889), (Address: 100047, Tashkent, A.Temur Street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

The abstract of the dissertation submitted on January «10», 2020.

(Registry protocol № 11 on January «10», 2020).

N.S. Salaev

Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Law, Associate Professor

B.T. Musayev

Scientific secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law (PhD)

G.Z.Tulaganova

Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Law, Professor

INTRODUCTION (annotation of doctoral thesis)

The research aims to develop proposals and recommendations intended at improving institutions and criminal procedural measures to eliminate judicial errors and increasing the effectiveness of law enforcement practice.

The objectives of the study are as follows:

the study of the social conditionality of the institution of verification of the legitimacy, validity, and fairness of court decisions;

classification of the general conditions for verifying the legality, validity and fairness of court decisions;

study of the procedural regulation of the forms of verification of the legitimacy, validity and fairness of court decisions;

analysis of the law enforcement practice of criminal procedural measures to eliminate judicial errors, including the study of the essence, order and features of the proceedings in the court of appeal, cassation and supervisory review and the resuming of proceedings given the discovery of new circumstances as ways to eliminate judicial errors;

the study of criminal procedural measures to eliminate judicial errors in the Common law system, in the countries of the Civil law system, as well as in criminal proceedings in some CIS countries;

approval of proposals and recommendations for reforming the institution of verification of the legitimacy, validity and fairness of court decisions in criminal proceedings;

advancement of proposals to enhance the criminal procedure legislation to improve the procedure for filing complaints and protests, to develop the procedural status of appeal and protest subjects, to increase the effectiveness of consideration in higher courts and to indicate the limits of their authority.

The scientific novelty of the research is as follows:

cancellation of the institution of return to a new trial in the court of the first instance intended at eliminating the unreasonable delay in the adoption of final decisions on the case and increasing the role of the courts in the criminal process;

vesting the court of appeal and cassation with the right to apply the law on a more serious crime or to strengthen the punishment only in cases where the victims filed a complaint on these grounds, or their representative or a protest was brought by the prosecutor, aimed at eliminating the unreasonable delay in making final decisions in the case, as well as strengthening guarantees of protection of the rights of the convicted person to appeal against court decisions;

designation of further improvement of the mechanisms for the reliable provision of guarantees of individual rights and freedoms in the criminal process, including in matters of ensuring the right to review court decisions as the main direction of the development of criminal procedure legislation;

vesting the court of appeal with the power to sentence, which is aimed at eliminating the unreasonable delay in making final decisions in the case and increasing the role of the court of appeal;

vesting the court of cassation with the power to impose a new sentence and

indicating this power in a separate article of the Code of Criminal Procedure, which is aimed at improving the regulation of powers of the court of cassation;

clarifications by the court to participants in the trial of the procedure for withdrawal of appeal and cassation proceedings.

The structure and volume of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of references, and appendices. The volume of the dissertation is 250 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Тухташева У.А. Теоретические и практические вопросы апелляционного производства в уголовном процессе. Монография. - Ташкент: ТГЮИ, 2007. – 169 с.
2. Тухташева У.А. Проверка законности, обоснованности и справедливости судебных решений в уголовном процессе. Монография. – Ташкент: ТГЮУ, 2019. – 204 с.
3. Тухташева У.А. Совершенствование деятельности суда апелляционной инстанции как одно из условий обеспечения эффективности судебной деятельности // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2015. - № 5. – С. 53-56. (12.00.00; № 10).
4. Тухташева У.А. Исправление судебных ошибок в апелляционном порядке уголовного судопроизводства // Обзор законодательства Узбекистана. – Ташкент, 2015. - № 3. – С.30-32. (12.00.00; № 9).
- 5.Тухташева У.А. Роль апелляционного производства в обеспечении эффективности судебной деятельности в уголовном процессе // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – Ташкент, 2016. - № 2 (26). – С. 33-35. (12.00.00; № 11).
6. Тухташева У.А. Протоколирование хода судебного заседания: проблема и решения // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. - № 6 (135). – С. 51-55. (12.00.00; № 10).
7. Тухташева У.А. Вопросы внедрения и использования информационно-коммуникационных технологий в уголовное судопроизводство Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини Ахборотномаси. – Ташкент, 2018. - № 1. - С. 28-32. (12.00.00; № 11).
8. Тухташева У.А. Виды проверки законности, обоснованности и справедливости приговоров, определений и постановлений в уголовном процессе и общие условия // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2019. - № 1 (142). – С. 52-53. (12.00.00; № 10).
9. Тухташева У.А. Назначение института проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений в уголовном процессе: теоретические аспекты // Журнал правовых исследований. – Ташкент, 2019. - № 2. – С.70-78. (12.00.00; № 19).
10. Тухташева У.А. Полномочия суда и виды апелляций // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. – Ташкент, 2019. - № 1 (37). – С. 16-18. (12.00.00; № 11).
11. Тухташева У.А. Институт апелляции в уголовном судопроизводстве Узбекистана и Германии: сравнительно-правовой анализ // Вестник юридических наук. – Ташкент, 2019. - № 2. – С. 80-82. (12.00.00; № 20).
12. Тухташева У.А. Кассационное производство как средство исправления судебных ошибок: пути реформирования // Одил судлов - Правосудие. – Ташкент, 2019. - № 8. – С. 114-116. (12.00.00; № 3).
13. Тухташева У.А. Возобновление производства по вновь открывшимся

обстоятельствам как способ исправления судебных ошибок // Журнал правовых исследований. – Ташкент, 2019. - № 9. – С. 70-73. (12.00.00; № 19).

14. Тухташева У.А. Надзорное производство в системе средств исправления судебных ошибок: целесообразность и дальнейшее реформирование // Вестник Академии МВД Республики Узбекистан. – Ташкент, 2019. – специальный выпуск. – С. 147-151. (12.00.00; № 12).

15. Tukhtasheva U.A. The scope of power of the court of appeal in criminal proceedings // International Journal of Advanced Research. – India, 2016. - Volume 4, Issue 4, 357-359 (ISSN 2320-5407). www.journalijar.com (Impact Factor № 6.118. – Index Copernicus – 56.43).

16. Tukhtasheva U.A. Institute test of judicial decisions - as a guarantee of the timely correction of errors in criminal proceedings // International Journal of Law and Legal Jurisprudence Studies. - India, 2016. - volume 3 issue 3. - p. 87-92. (ISSN:2348-8212). - <http://ijlljs.in/institute-test-judicial-decisions-guarantee-timely-correction-errors-criminal-proceedings>.

17. Тухташева У.А. Деятельность судов вышестоящих инстанций: проверка или пересмотр? // Журнал юридических исследований. – Россия, 2019. - №. 1. - С. 60-64. URL:<https://naukaru.ru/ru/nauka/article/28683/view> (дата обращения: 14.05.2019). (12.00.00; № 42).

18. Tukhtasheva U.A. Judicial System in the Criminal Proceedings in Some CIS Countries // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9, Issue-1, November 2019. – P.3193-3208.

19. Тухташева У.А. Биринчи инстанция суди хатоларини тузатиш борасида апелляция инстанцияси суди ваколатлари ва уни такомиллаштириш истиқболлари // «Жиноят ишлари юриштида суд фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш масалалари» республика илмий – амалий конференцияси материаллари тўплами, 27.04.2016 й. – Тошкент: ТГЮУ, 2016. – 34-42 бет.

20. Тухташева У.А. Совершенствование порядка рассмотрения уголовных дел как условие обеспечения эффективности судебной деятельности // Терговчининг процессуал-тактик фаолияти ва унда кўлланиладиган криминалистик техник воситалар мавзусидаги талабаларнинг Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2017. – Б. 51-54.

21. Тухташева У.А. Regulation of the general conditions for verifying legality, validity and fairness of judicial decisions in the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan // International Conference BRIDGE TO SCIENCE: RESEARCH WORKS April, 15, 2019 San Francisco, California, USA Conference Proceedings. – P. 98-99.

22. Тухташева У.А. О пределах пересмотра судебных решений вышестоящими судами при исправлении судебных ошибок. // Стратегия развития современной науки: международный сборник научных статей. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. – С. 238-241.

II бўлим (II часть; II part)

23. Тухташева У.А. (Рустамбаев М.Х.) Судебная власть и судебно-правовая реформа в Республике Узбекистан: научно-публицистическое издание.- Ташкент: Издательство ТГЮИ, 2008. – 538 с.

24. Тухташева У.А. (Рустамбаев М.Х.) Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти: илмий-публицистик нашр. - Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 559 с.

25. Тухташева У.А. (Рустамбаев М.Х.) Судебно-правовая реформа в Республике Узбекистан: попытка осмысления: научно-публицистическое издание. - Ташкент: Издательство ТГЮИ, 2010. – 458 с.

26. Тухташева У.А. (Базарова Д.Б.) Вопросы обеспечения эффективности судебной деятельности в уголовном судопроизводстве. Монография. – Ташкент: Издательство ТГЮУ, 2017. – 175 с.

27. Тухташева У.А. Основания отмены или изменения приговоров в апелляционном порядке: вопросы, связанные с их применением // ТДЮИ Ахборотномаси. Илмий – назарий нашр. – Ташкент, 2006. - № 3. - С. 106-110.

28. Тухташева У.А. Совершенствование процессуального порядка рассмотрения уголовных дел в судах как одно из направлений судебно-правовой реформы // ТДЮИ Ахборотномаси. Илмий – назарий нашр. – Ташкент, 2006. - № 4. - С. 126 – 130.

29. Тухташева У.А. Институты апелляционного, кассационного производств и примирения в уголовном процессе // Судебно-правовая реформа: современное состояние и перспективы совершенствования. Материалы научно-практической конференции, 17 мая 2007 г. - Ташкент: Издательство ТГЮИ, 2007. - С. 74-80.

30. Тухташева У.А. Некоторые особенности Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан // ТДЮИ Ахборотномаси. Илмий – назарий нашр. – Ташкент, 2010. - № 5. – С.157-159. (12.00.00; № 15).

31. Тухташева У.А. Современное состояние и перспективы совершенствования Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан // «Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Ташкент: ТГЮУ, 2014. - С. 321-329.

32. Тухташева У.А. Апелляционная жалоба и протест как средства исправления судебных ошибок // Уголовная политика и правоприменительная практика. Сборник статей по материалам III Всероссийской научно-практической конференции: Санкт-Петербург 30 октября 2015 года / Ответственный редактор доктор юридических наук, доцент Е.Н.Рахманова – СПб: ИД «Петролис», 2015. – С. 272-278.

33. Тухташева У.А. Автоматизированное распределение дел между судьями: возможности информационных технологий в судопроизводстве Республики Узбекистан // Вестник юридических наук. – Ташкент, 2017. - № 1. - С. 151-156. (12.00.00; № 15).

34. Тухташева У.А. Стратегия действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах и обеспечение верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы в «Год диалога с народом и интересов человека» // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – Ташкент, 2017. - № 1 (29). – С. 8-11. (12.00.00; № 11).

Автореферат «ТДЮУ Юридик фанлар Ахборотномаси» журнали тахририятида тахрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 08.01.2020
Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»
гарнитурада рақамли босма усулда босилди.
Шартли босма табағи 4,5. Адади: 100. Буюртма: № 02

100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмахонасида чоп этилди.

